

УДК 378.014.543:339.137.2

Адизов Бобир Бахтиёрович

(PhD, доцент)

Бухоро давлат университети мустақил тадқиқотчиси, Бухоро, Ўзбекистон

adizov.b@mail.ru

Tel: +998 (91) 5127797

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА РАҚОБАТ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА МОЛИЯВИЙ МУСТАҚИЛ ОТМЛАРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.

Аннотация

Мазкур мақолада олий таълим тизимида рақобат мухитини шакллантириш шароитида молиявий мустақил олий таълим муассасаларининг (ОТМ) ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Молиявий автономия тушунчасининг назарий асослари, халқаро амалиётдаги умумий белгилар ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўриб чиқилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасида олий таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, жумладан университетларга молиявий мустақиллик бериш жараёнининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган. Тадқиқот натижалари молиявий мустақил ОТМлар рақобатбардошликни ошириш, таълим сифати ва ресурслардан самарали фойдаланишда муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар

Олий таълим, молиявий мустақиллик, молиявий автономия, рақобат, университет бошқаруви, таълим ислохотлари, диверсификация.

Аннотация

В статье исследуются особенности финансово независимых высших учебных заведений как субъектов конкуренции в системе высшего образования. Рассматриваются теоретические основы финансовой автономии, общие мировые признаки и международный опыт. Отдельное внимание уделено специфике реформ в Республике Узбекистан, направленных на расширение финансовой самостоятельности вузов. Делается вывод о том, что финансовая автономия способствует повышению конкурентоспособности, эффективности управления и качества образовательных услуг.

Ключевые слова

Высшее образование, финансовая независимость, финансовая автономия, конкуренция, управление университетом, реформы образования.

Abstract

This article examines the characteristics of financially independent higher education institutions as competitive actors within the higher education system. The theoretical foundations of financial autonomy, global trends, and international experience are analyzed. Special attention is given to the specific features of higher education reforms in the Republic of Uzbekistan aimed at expanding financial independence. The study concludes that financial autonomy enhances competitiveness, management efficiency, and the quality of educational services.

Keywords

Higher education, financial independence, financial autonomy, competition, university governance, education reforms.

Кириш

Глобаллашув ва рақамли иқтисодиёт шароитида олий таълим тизими жадал трансформация жараёнини бошдан кечирмоқда. Замонавий университетлар нафақат таълим ва илм-фан маркази, балки иқтисодий фаол субъект сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Бугунги кунда ОТМлар ўртасида талабалар, профессор-ўқитувчилар, инвестициялар ва грантлар учун кучли рақобат мавжуд.

Рақобат муҳитида университетларнинг молиявий мустақиллиги муҳим стратегик омилга айланмоқда. Молиявий автономия ОТМларга бюджет маблағларидан ташқари даромад манбаларини шакллантириш, ресурсларни мустақил тақсимлаш ва узоқ муддатли ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси"да [2] ОТМларга босқичма-босқич молиявий мустақиллик бериш устувор вазифа этиб белгиланди. Бу нафақат давлат бюджети юқини камайтириш, балки университетларнинг ички имкониятларини сафарбар этиш, илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини кучайтириш учун хизмат қилади. Шу боис, молиявий мустақил ОТМларнинг характерли хусусиятларини ўрганиш ва миллий амалиётга татбиқ этиш масаласи илмий ва амалий жиҳатдан ниҳоятда долзарбдир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Олий таълим муассасаларининг молиявий мустақиллиги ва автоном бошқаруви масалалари жаҳон ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан кенг тадқиқ этиб келинмоқда.

Халқаро миқёсда университетларнинг молиявий эркинлиги концепцияси Б.Кларк томонидан илгари сурилган "Тадбиркорлик университети" (Entrepreneurial University) [7] модели билан узвий боғлиқ. Кларк ўз тадқиқотларида университетлар давлатга қарамликдан халос бўлиши учун даромад манбаларини диверсификация қилиши ва ички бошқарувда молиявий тезкорликка эришиши зарурлигини таъкидлайди.

Шунингдек, Ж. Салми дунё даражасидаги университетларни (World-class universities) [8] барпо этишда учта омилни кўрсатиб ўтади: истеъдодлар концентрацияси, бой ресурслар ва қулай бошқарув тизими. Муаллифнинг фикрича, ресурсларнинг мавжудлиги бевосита ОТМнинг молиявий мустақиллиги ва ўз маблағларини стратегик мақсадларга йўналтира олиш қобилиятига боғлиқ.

Европа университетлари ассоциацияси (EUA) томонидан мунтазам равишда чоп этиладиган "University Autonomy in Europe" ҳисоботларида [13] молиявий мухториятнинг тўртта кўрсаткичи: давлатдан молиялаштириш шакли, маблағларни сақлаш ва тақсимлаш, биноларга эгалик қилиш ҳамда ўқиш учун тўловларни белгилаш ҳуқуқи таҳлил қилинади.

Россиялик олимлардан С.А. Беляков ва Я.И. Кузьминов ўз ишларида ОТМларнинг [10], [11] молиявий мустақиллигини таъминлашда бюджетдан ташқари маблағлар улушини ошириш ва эндаумент-жамғармалардан фойдаланиш самарадорлигини ўрганишган. Уларнинг таъкидлашича, молиявий мустақиллик нафақат эркинлик, балки университет зиммасига катта молиявий рискларни ҳам юклайди.

Ўзбекистонда ОТМларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштиришга ўтказиш масалалари сўнгги йилларда маҳаллий олимлар диққат марказида бўлиб келмоқда.

А.М. Абдуллаев ўз изланишларида Ўзбекистон ОТМларида молиявий мустақилликни жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини таҳлил қилиб, таълим сифати ва молиявий барқарорлик ўртасидаги корреляцияни асослаб берган [3].

У.К. Хошимов таълим тизимидаги трансформация жараёнларини ўрганар экан, ОТМларга молиявий мустақиллик беришда академик эркинликнинг ролига алоҳида урғу беради ва бу жараёнда давлат-хусусий шерикчилиги моделларидан фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди [5].

К.И.Курпаяниди университетларнинг инновацион фаолиятини тижоратлаштириш ва интеллектуал мулкдан даромад олиш имкониятларини тадқиқ этган [6]. Унинг фикрича, молиявий мустақиллик университетнинг илмий-тадқиқот маҳсулотларини бозорга олиб чиқиш учун асосий туртки ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи шуни тасдиқлайдики, ривожланган мамлакатларда молиявий мустақиллик аллақачон шаклланиб бўлган институт бўлса, Ўзбекистон учун бу жараён янги босқичда. Кўплаб тадқиқотларда "молиявий мустақиллик" тушунчаси фақат "ўзини ўзи боқиш" деб талқин қилинади, бироқ унинг институционал ва бошқарув хусусиятлари

(масалан, инсон капиталига инвестиция ва рискларни бошқариш) етарлича очиб берилмаган. Бу эса ушбу мақоланинг илмий янгилигини белгилашга хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг ахборот базасини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, таълим соҳасидаги халқаро экспертларнинг ҳисоботлари, шунингдек, етакчи хорижий ва маҳаллий университетларнинг молиявий ҳисоботлари ташкил этади. Ишда тизимли таҳлил, классификация, қиёсий соллаштириш ва статистик прогнозлаш методларидан фойдаланилган.

Маълумотларнинг ишончлилиги Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, таълим соҳасидаги бир неча халқаро ташкилотларнинг расмий веб-сайтидан ҳамда олий таълимни модернизация қилиш юзасидан тадқиқот олиб борган олимларнинг илмий ишларидан фойдаланганлик билан изоҳланади.

Таҳлил ва натижалар


Таълимни ривожлантириш - Янги Ўзбекистонни тараққий этиш миллий ғоясининг муҳим устунликларидан бирини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида “.....таълим ва тарбияни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, илм-фан ва инновацияларни тараққий еттириш миллий ғоямизнинг асосий устунлари бўлиб, хизмат қилиши лозим”, деб таъкидланган эди. [14]

Таълим инсон капиталини шакллантирувчи муҳим манба ҳисобланади. World Bank ҳисоб-китобларига кўра, аҳолининг ўртача таълим йили 1 йилга ошса, мамлакат ЯИМ ўсиши 0,3–0,5 фоиз пунктга тезлашади [15]. OECD маълумотларига мувофиқ олий маълумотли шахслар даромади ўртача **50–100% юқори бўлиб, олий маълумотга қилинган сармоянинг шахсий қайтими йилига 10–15% ни ташкил қилади** [16].

Янги Ўзбекистонда давлат, нодавлат ва хорижий қўшма ОТМлари билан бир қаторда яна янги турдаги – “Молиявий мустақил давлат олий таълим муассаса (ММДОТМ)лари ҳам 2020 йилдан ўз фаолиятини бошлаб келмоқда. Бундай турдаги ОТМлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасидаги “Олий таълим ташкилотлари қонунга мувофиқ академик эркинлик, ўзини ўзи бошқариш, тадқиқотлар ўтказиш ва ўқитиш эркинлиги ҳуқуқига эга” [1], деган билим олиш ҳуқуқий асосини амалга ошириш ва мамлакат олий таълим тизимида рақобат муҳитини шакллантириш воситасида таълим олиш сифатини янада оширишга йўналтирилган самарали институтционал чора-тадбир ҳисобланади.

Чунки, олий таълимда эркинлик айнан ўқув жараёнини мустақил шакллантириш, профессор-ўқитувчиларни дарс ўтиш эркинлигида, илмий-тадқиқот мавзуларини мустақил танлаш ва тадқиқ этиш, унинг натижаларини нашр этиш ва тарқатиш, профессор-ўқитувчилар ва илмий ходимлар академик эркинлигининг чекланмаслигида, ташкилий-бошқарув, молиявий ва фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар бўйича қарор қабул қилишдаги мустақиллиги ва жавобгарлигида намоён бўлади.

Молиявий мустақил давлат олий таълим муассасалари (ММДОТМ) деганда давлатга қарашли бўлган, аммо молиявий фаолиятида мустақилликка эга олий таълим ташкилотлари назарда тутилади. Улар давлат муассасаси ҳисобланади, лекин ўз бюджетини шакллантириш ва маблағлардан фойдаланишда кенг ваколатларга эга. Ўзбекистонда беш йилдан бери амал қилиб келаётган Молиявий мустақил давлат олий таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш бизга бундай янги турдаги ОТМларнинг бешта шаклланиш ва ривожланиши босқичларини ажратиш имконини берди (1-расмга қаранг).



1-расм. Ўзбекистонда Молиявий мустақил давлат ОТМларининг эволюцион босқичлари¹

1-расмда келтирилган ММДОТМларининг ҳар бир шаклланиш ва ривожланиши босқичларига тафсилот бериб ўтамыз:

1.Ташкилий-ҳуқуқий трансформация босқичи. Бу босқичда мамлакатимизда олий таълим тизимини ривожлантириш мақсадида ОТМларга молиявий ва академик мустақиллик бериш борасида ҳукумат ва президент қарорлари қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 3 декабрдаги “Олий таълим муассасаларини босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказиш тўғрисида”ги 967-сон қарорида: “Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4391-сон қарорига мувофиқ 2020 йилдан бошлаб таълим хизматлари бозорида олий таълим муассасаларининг айрим бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларига талаб юқорилиги ва молиявий барқарорлигини инобатга олиб, уларни босқичма-босқич ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказишга розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин”,- деб кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу қарорига асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб, тажриба-синов тариқасида ўзини ўзи молиялаштириш тизимига ўтказилаётган олий таълим муассасаларига қуйидаги ОТМлар киритилган эди: Самарқанд давлат чет тиллар институти; Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти; Тошкент давлат юридик университети; Тошкент давлат иқтисодиёт университети; Тошкент молия институти; Тошкент давлат шарқшунослик институти; Тошкент фармацевтика институти; Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети; Урганч давлат университети ва Тошкент темир йўл муҳандислари институти.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифалар ижросини изчил таъминлаш, шунингдек, олий таълим муассасаларининг мустақиллигини кенгайтириш, улар фаолиятида давлат маъмурий бошқарувини кескин камайитириш ҳамда шу орқали ўзгарувчан меҳнат бозори талабларига жавоб бера оладиган юқори малакали кадрлар тайёрловчи давлат олий таълим муассасаларини шакллантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича

¹ Манба: муаллиф ишланмаси.

кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60 сонли қарори қабул қилинди. Ушбу қарор билан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларига академик мустақиллик ва ташкилий-бошқарувдаги мустақиллик соҳаларида кўшимча ваколатлар берилган.

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш, давлат олий таълим муассасаларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини мустақил ҳал этиш, илмий-тадқиқот фаолиятига маблағларни жалб этиш имкониятини кенгайтириш ҳамда олий таълим муассасалари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш мақсадида эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61-сон қарори ҳам қабул қилиниб, ушбу қарорга асосан яна бир қатор давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик берилди.

Мазкур қарорнинг қабул қилиниши билан мамлакатимизда молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига 2022 йил 1 январдан бошлаб бюджетдан ташқари маблағларни бошқариш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатини берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-60 сонли қарорининг 3-бандида куйидагилар белгиланган. 2022 йил 1 январдан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларида васийлик кенгашлари тугатилсин ҳамда таркибининг камида 70 фоизи тегишли вазирлик, идоралар, кадрлар буюртмачилари, жамоатчилик вакиллари ва ҳомийлардан иборат бўлган юридик шахс мақомисиз олий таълим муассасаларининг Кузатув кенгашлари ташкил этилиши ва уларнинг таркиби тизимида олий таълим муассасаси мавжуд тегишли вазирлик (идора) томонидан тасдиқланади; молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаси ректори ва проректорлари Кузатув кенгаши томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимидан озод этилади; ўз ваколатларини ОТМ кенгашига топширишга, шунингдек, ОТМ кенгашига кирувчи ваколатларни ўз зиммасига олишга ҳақли каби ваколатлар берилди.

Юқорида кўрсатилган қарор талабларини бажариш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2022 йил 20 январдаги 24-сон буйруғининг 14-илоvasи билан Бухоро давлат университети Кузатув кенгаши таркиби тасдиқланган. Бухоро давлат университети Кузатув кенгашининг 2022 йил 11 февралдаги 1-сон мажлис қарори билан Бухоро давлат университети Кузатув кенгаши Низоми ишлаб чиқилган. Ушбу низом билан Бухоро давлат университети Кузатув кенгашининг фаолияти, шакллантириш тартиби, таркиби, ваколатлари, мақсадлари, вазифалари тартибга солинади.

2.Молиявий диверсификация босқичи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 декабрдаги “Давлат олий таълим муассасаларига молиявий мустақиллик бериш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-61 сонли қарорининг қабул қилиниши Молиявий мустақиллик берилаётган давлат олий таълим муассасаларига 2022 йил 1 январдан бошлаб бир қатор масалалар бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатини берилди.

Ушбу берилган имкониялар орқали ОТМларга бюджетдан ташқари маблағларни кўпайтириш уларни мустақил тассаруф этиш имкониятларини беради. Молиявий мустақиллик берилган ОТМ даромадлари унинг ихтиёрида қолади ва у белгиланган мақсадларга эришиш учун ишлатилади ва бюджет даромадлари ҳисобланмайди. Яъни, ОТМ ўз даромадларини иш ҳақини оширишга, юқори сифатли таълим учун шароит яратишга ва бошқаларга йўналтириши мумкин.

Молиявий мустақиллик берилган ОТМ классик маънода нотижорат ташкилот бўлиб қолади ва шунинг учун унинг тадбиркорлик ва бошқа даромад келтирувчи фаолият билан шуғулланиш қобилияти бюджет муассасаси каби чекланган. Молиявий мустақиллик берилган ОТМ, агар бундай фаолият унинг уставида кўрсатилган бўлса, у яратилган

мақсадларга хизмат қиладиган бошқа фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Амалда, рухсат этилган қўшимча фаолиятни аниқлаш учун ишлатиладиган асосий мезон бу фаолият муассаса уставида кўрсатилган ёки кўрсатилмаганлиги билан аниқланади.

3.Академик рақобатбардошликни ошириш босқичи. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-60 сон қарор билан 2022/2023 ўқув йилидан бошлаб молиявий мустақиллик берилган давлат олий таълим муассасаларига академик мустақиллик соҳасида куйидаги қўшимча ваколатлар берилган:

ўқув режалари, ўқув дастурлари, малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш, таълим тилини ҳамда таълим йўналишлари ва мутахассисликлари хусусиятларини инобатга олган ҳолда таълим олиш шаклини белгилаш;

бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари учун ўқиш давомийлиги муддатларини белгилаш;

докторантурада тўлов-контракт асосида ўқиш қийматини белгилаш, бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан грант ажратиш орқали докторантурага танлов асосида квотага қўшимча равишда қабул қилиш;

докторант ва мустақил изланувчиларга илмий раҳбарлик қилиш тартибини тасдиқлаш;

магистратура босқичида таълимнинг сиртки, масофавий ва кечки шаклларини жорий этиш, таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича қўш малакалар, шу жумладан амалий малакалар бериш тизимини жорий қилиш;

ўзаро келишувлар асосида олий таълим муассасалари билан академик мобилликни амалга ошириш;

олий таълим муассасаси ва унинг тузилмасидаги таълим муассасалари учун ўз грифи асосида дарсликлар ҳамда бошқа ўқув ва илмий адабиётларни яратиш ва нашр этиш;

таълим сифатини ички назорат қилиш механизмларини белгилаш ва жорий этиш.

Бу ваколатларнинг ОТМга берилиши университет учун жуда катта имконият ва эркинлик яратади. Ўқув режалари, ўқув дастурлари ва малака талабларини касбий стандартлар асосида тасдиқлаш орқали битирувчиларнинг билим ва кўникмалари иш берувчилар талабига яқинлашади, марказлашган қолипдан чиқиб, ўз стратегиясига мос таълим моделини яратади, таълим сифати учун тўлиқ масъул субъектга айланади, инновацион ва рақобатбардош дастурлар ишлаб чиқиш имкониятига эга бўлади. Таълим тили бўйича ўзбек, рус, инглиз ёки бошқа тилларда таълим дастурларини мустақил йўлга қўяди, хорижий талабаларни жалб қилиш имкониятига эга бўлади, халқаро рейтинг ва ҳамкорликларда фаолроқ иштирок этади.

4.Инновация ва тадбиркорлик экотизимини шакллантириш босқичи. Молиявий мустақиллик берилган ОТМда “**Инновация ва тадбиркорлик экотизимини шакллантириш**” - бу жуда долзарб тадбир бўлиб, у бир марталик тадбир бўлмасдан, балки босқичма-босқич, тизимли жараёндир. Амалиётда у куйидаги **асосий қадамлар** орқали амалга оширилиши мумкин:

1.Институционал асосни яратиш. Яъни, ОТМ ичида инновация ва тадбиркорликни юритадиган **барқарор тузилма** шакллантирилади. Бунда, Инновациялар бўйича проректор ёки алоҳида бошқарма тузиш, технологияларни трансфер қилиш офиси, стартап ва бизнес-инкубатор маркази, илмий-тадқиқот ва тижоратлаштириш бўлинмалари ташкил этилади. Бу босқичда меъёрий ҳужжатлар, ички низомлар ва ваколатлар аниқ белгилаб олинади.

2.Кадрлар ва инновацион маданиятни шакллантириш. Инновация экотизими одамларсиз ишламайди. ОТМдаги профессор-ўқитувчиларни стартап, патент, грант ва бизнес моделлаш бўйича ўқитиш, талабаларда тадбиркорлик тафаккурини ривожлантириш, инновацияни қўллаб-қувватловчи мотивация тизими (рағбат, рейтинг, бонус)ни яратиш жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Бу босқичда “илмий иш = мақола” сифатида эмас, “илмий иш = маҳсулот” сифатида қараши шаклланади.

3.Тадбиркорлик ва инновацияларни таълим жараёнига интеграция қилиш. Инновация таълимдан ажралмас бўлиши керак. Шу сабабли тадбиркорлик ва инновация


фанларини ўқув режаларига киритиш, “project-based learning”, “case study”, “hackathon”, “startup weekend” ларни ташкил этиш, диплом ишлари ва магистрлик диссертацияларини стартап ёки амалий лойиҳа шаклида ҳимоя қилиш амалиёти жорий қилиш бошланди. Бу талабалар пассив назарий ўрганувчидан фаол амалий яратувчига айлантиради.

4.Инфратузилмани ривожлантириш. Аниқ майдон ва ресурсларсиз экотизим бўлмайди. Ушбу ишларни амалга ошириш учун “coworking” зоналари, “FabLab”, “IT-lab”, “prototyping” лабораторияларини ташкил этиш, стартаплар учун офис ва моддий-техник базани яратиш, шунингдек, ахборот платформалари ва рақамли хизматларни ташкил этиш зарур ҳисобланади. Бу муҳит инновацияни “ғоядан маҳсулотга” олиб чиқишга кўмаклашади.

5.Молиявий механизмларни йўлга қўйиш. Инновация пулсиз ўсмайди ва доимий молиялаштиришга муҳтож бўлади. Бунинг учун ОТМда ички стартап фондларини ташкил этиш, давлат ва халқаро грантларни жалб этиш ва хусусий сектор билан қўшма лойиҳаларда қатнашиш лозим. Бунинг энг муҳим жиҳати шундан иборатки тадбиркорлик ва инновациялар учун маблағни бериш эмас, балки уни самарали бошқариш ҳам зарур ҳисобланади.

6.Саноат ва бозор билан интеграция. Тадбиркорлик экотизими ташқи муҳит билан боғланмаса ёпиқ қолади ва бозор тизимига кира олмайди. Бизнес ОТМ учун мижоз ҳам, шерик ҳам бўлиши учун иш берувчилар ва компаниялар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, қўшма лабораторияларни ташкил этиш, буюртма-тадқиқотларни амалга ошириш ва стартапларни реал бозорга чиқариш лозим.

7.Тижоратлаштириш ва лицензиялаштириш. Илмий ва инновацион фаолиятнинг якуний мақсади натижа ҳисобланади. Якуний натижа (илмталаб маҳсулот) сифатида ОТМда ишлаб чиқилган илмий янгиликлар ҳисобланади. Ушбу янгиликлар доимий даромад келтириши учун уларни патентлаш ва лицензиялаш, “spin-off” ва “start-up” компаниялар ташкил этиб ушбу янгиликларни тижоратлаштириш, шунингдек, илмталаб маҳсулотларни маҳаллий ва халқаро бозорга олиб чиқиш керак бўлади. Фикримизча, айнан ушбу босқичда молиявий мустақиллик берилган ОТМларда инновацион брендининг шаклланиш жараёни бошланади.



2-расм. Молиявий мустақиллик ОТМларини ривожланиш технологияси¹

Қайд қилиш жоизки, молиявий мустақиллик берилган олий таълим муассасасининг трансформацияси шунчаки маъмурий ўзгариш эмас, балки унинг жамиятдаги мавқеини тубдан янгиловчи стратегик жараёндр. Бугунги кунда ОТМ фақат билим берадиган маскан чегарасидан чиқиб, янги технологиялар яратиладиган ва иқтисодиётнинг реал сектори учун инновацион ечимлар таклиф қиладиган яхлит хабга айланиши лозим. Бундай мақомга

¹ Манба: муаллиф ишланмаси

эришиш учун, фикримизча, юқорида таъкидланган барча босқичлар бир-бирини тўлдирувчи занжир сифатида ишлаши талаб этилади (2-расм).

Экотизимни шакллантириш жараёнида институционал асосларнинг мустаҳкамлиги тадбиркорлик фаолияти учун ҳуқуқий ҳимоя ва эркинлик яратса, кадрлар салоҳияти ва инновацион маданият бу тизимни ҳаракатга келтирувчи асосий куч бўлиб хизмат қилади. Университет муҳитида «муаммони имкониятга айлантириш» фалсафасининг қарор топиши талаба ва профессор-ўқитувчиларни нафақат назарий изланишга, балки бозор талабларига мос маҳсулотлар яратишга ундайди. Тадбиркорлик ва инновацияларнинг таълим жараёнига интеграция қилиниши натижасида олийгоҳ деворлари ичида «билим трансфери» занжири юзага келади: назарий ғоя лабораторияда синовдан ўтади, технопарк ва акселераторларда прототип даражасига етади ва ниҳоят тижоратлаштириш орқали иқтисодиётга кириб боради.

Молиявий мустақиллик берган имкониятлар ушбу жараённинг моддий ва техник таъминотини кафолатлайди. Ўз ресурсларини мустақил бошқара оладиган ОТМ илмий ишланмаларни молиялаштиришнинг турли механизмларини, жумладан, стартапларни қўллаб-қувватлаш ва венчур фондлари билан ҳамкорликни йўлга қўяди. Натижада, университет нафақат малакали мутахассис тайёрлайди, балки ўз атрофида кичик ва ўрта бизнес кластерларини шакллантириб, минтақавий ривожланишнинг ҳақиқий драйверига айланади. Бундай тизимли ёндашув олий таълим муассасасини халқаро майдонда рақобатбардош, иқтисодий жиҳатдан барқарор ва жамиятнинг технологик эҳтиёжларига тезкор жавоб бера оладиган инновацион марказ сифатида гавдалантиради, деб ўйлаймиз.

5. Тадбиркорлик университетига ўтиш босқичи. Университет 3.0 ёки Тадбиркорлик университети концепцияси замонавий таълим тизимининг энг илғор модели бўлиб, у таълим ва илмий тадқиқотларни бевосита инновацияларни тижоратлаштириш билан боғлайди. Бу моделда университет нафақат билим тарқатувчи маскан, балки иқтисодий қиймат яратувчи, стартаплар ва янги технологияларни бозорга чиқарувчи интеллектуал хаб ҳисобланади. Тадбиркорлик университетида талабалар ва олимлар муаммоларга ижодий ечим топиш, лойиҳаларни бошқариш ва илмий ишланмаларни бизнес лойиҳасига айлантириш кўникмаларини эгаллайдилар. Бундай муҳитда молиявий мустақиллик ОТМга инвестицияларни жалб қилиш, ўз илмий маҳсулотларини сотиш ва иқтисодиётнинг реал сектори билан стратегик шерикликни йўлга қўйиш имконини беради.

Юқорида тавсифланган Молиявий мустақил давлат олий таълим муассасаларини ривожланишининг бешта босқичлари уларнинг давлат ва хусусий ОТМларга нисбатан рақобатбардош субъект сифатида вужудга келишидан далолат беради. ММДОТМларнинг рақобат устунлигини аниқлаштириш мақсадида биз турли мулкдаги ОТМларни бир нечта мезонлар бўйича қиёсий таҳлил ўтказамиз (1-жадвал).

1-жадвал

Давлат, молиявий жиҳатдан мустақил ва хусусий университетларнинг қиёсий таҳлили¹

Таққослаш мезонлари	Давлат университети	Молиявий жиҳатдан мустақил университет	Хусусий университет
Мулкчилик шакли	Давлат	Давлат	Хусусий
Молиялаштириш манбаи	Бюджет + бюджетдан ташқари	Ўзини ўзи молиялаштириш + Бюджет+грантлар	Тўлов контракт, инвестициялар
Молиявий мустақиллиги	Паст	Юқори	Юқори
Давлат назорати	Жуда баланд	Ўртача	Минимал

¹ Манба: сунъий интеллект маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Таққослаш мезонлари	Давлат университети	Молиявий жихатдан мустақил университет	Хусусий университет
Ўқиш тўловлари	Арзон/бюджетли жойлар	Ўртача/бозор	Юқори
Бюджетли жойлар	Мавжуд	Бўлиши мумкин	Одатда йўқ
Бошқарувнинг мослашувчанлиги	Паст	Юқори	Юқори
Қарор қабул қилиш тезлиги	Паст	Ўрта-юқори	Юқори
Ўқув дастурларни янгилаш	Секин	Ўртача	Тез
Меҳнат бозорига йўналтириш	Ўртача	Юқори	Юқори
Нуфуз/обрў	Юқори	Кўпинча юқори	Брендга боғлиқ
Барқарорлик	Юқори	Ўрта-юқори	Ўртача
Хатарлар	Бюрократия	Бозор хавфлари	Молиявий беқарорлик
Масъулият	Давлат олдида	Давлат ва бозор олдида	Инвесторлар ва талабаларга

1-жадвалдан кўриниб турибдики, Молиявий жихатдан мустақил университет (гибрид модел) ўз даромадларини мустақил равишда бошқариш ҳуқуқини олган давлат университети бўлиб, у давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўтиш даври бўғинидир. Унинг асосий хусусиятлари:

- Кимлар учун қулай: Ишончли давлат дипломини олишни, шунингдек, қулай, замонавий шароитларда ўқишни истаган абитуриентлар учун.

- Асосий афзалликлари: Бу ерда имтиёзлар ва давлат стандартлари сақланиб қолади, аммо университет ривожланишга фаол сармоя киритади. Бу замонавий дастурий таъминотни сотиб олиш, кампусни таъмирлаш ва юқори маошлар орқали кучли профессор-ўқитувчиларни жалб қилишда ақс этади.

- Заиф томонлари: Бу ерда ўқиш тўловлари (контрактлар) кўпинча анъанавий давлат университетларига қараганда юқорироқ, чунки муассаса ўзини ўзи таъминлаши керак.

Таҳлилий хулоса:

Давлат олий таълим муассасалари барқарор молиялаштириш, ривожланган тадқиқот инфратузилмаси ва юқори даражадаги давлат назорати билан ажралиб туради. Молиявий жихатдан автоном университетлар давлат университетининг академик мақомини юқори даражадаги молиявий автономия ва таълим хизматлари бозорида рақобатбардошлик билан бирлаштирган давлат таълим муассасасининг махсус шаклини ифодалайди. Хусусий университетлар бозорга йўналтирилган ва юқори бошқарув мослашувчанлигига эга, аммо бюджет ресурслари ва тадқиқот маблағларидан чекланган фойдаланиш имкониятига эга.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, молиявий мустақиллик – бу шунчаки маблағ топиш эмас, балки таълим сифатини ошириш учун янги бошқарув механизмидир. Молиявий мустақил ОТМларнинг характерли хусусиятлари уларнинг мослашувчанлиги, инновацион фаоллиги ва меҳнат бозори билан яқин алоқасида намоён бўлади.

Ўзбекистон шароитида ушбу тизимни янада ривожлантириш учун қуйидагилар таклиф этилади:

1. Эндаумент-жамғармалар (Максадли капитал) тизимини қонуний мустаҳкамлаш

Ҳозирги кунда кўплаб ОТМлар ҳомийлик маблағларини тўғридан-тўғри сарфлаб юборади.

Таклиф: Давлат университетлари қошида алоҳида Эндаумент-фондларни ташкил этиш ва уларни бошқариш бўйича махсус Низом ишлаб чиқиш.

Механизм: Йиғилган маблағлар фонд бозорида (акция, облигация) ишлатилиши ва ундан келган фойда талабалар грантлари ёки илмий лойиҳаларга йўналтирилиши керак.

2. Солиқ имтиёзлари ва "Инновацион ваучерлар" тизими

ОТМларнинг молиявий мустақиллиги уларнинг тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорлигига боғлиқ.

Таклиф: Университетлар билан илмий-тадқиқот шартномаларини тузган корхоналар учун солиқ чегирмаларини (Tax Credits) жорий этиш.

Натижа: Бу бизнес вакиллари университетларга маблағ тикишга рағбатлантиради ва ОТМнинг бюджетдан ташқари даромадларини оширади.

3. "Интеллектуал мулк" тижоратлаштириш механизмини соддалаштириш

Кўпинча ОТМ олимлари яратган ихтиролар қоғозда қолиб кетмоқда, чунки уларни сотиш механизми мураккаб.

Таклиф: ОТМ таркибида Технологиялар трансфери офисларини (ТТО) ташкил этиш ва олимларга ўз ишланмаларидан олинган фойданинг 50-70 фоизини тўғридан-тўғри бериш тизимини яратиш.

4. Молиявий менежмент ва рағбатлантириш тизимини ислоҳ қилиш

Молиявий мустақиллик — бу фақат пул топиш эмас, балки уни самарали тақсимлашдир.

Таклиф: Ҳар бир факультет ёки кафедра учун алоҳида "Молиявий марказ" (Profit Center) мақомини бериш.

Механизм: Қайси кафедра кўп грант ва хўжалик шартномаси олиб келса, ўша кафедра ходимларининг ойлик маоши ва моддий базаси юқори бўлишини таъминловчи ички рағбатлантириш тизимини жорий этиш.

5. Кўп босқичли таълим хизматларини диверсификация қилиш

Фақатгина бакалаврият ва магистратура контрактларига суяниб қолиш хавфли (демографик ёки иқтисодий ўзгаришлар туфайли).

Таклиф: "Life-long learning" (Умр бўйи таълим олиш) концепциясини жорий этиш.

Механизм: Қисқа муддатли қайта тайёрлаш курслари, бизнес-тренинглари, микро-квалификациялар ва корпоратив таълим дастурларини йўлга қўйиш. Бу даромадларнинг барқарор оқимини таъминлайди.

6. Грантларни бошқаришда "Full Economic Costing" (FEC) тизимига ўтиш

Ҳозирда кўп грантлар фақат ойлик ва асбоб-ускунага берилади, университетнинг коммунал ва маъмурий харажатлари инобатга олинмайди.

Таклиф: Ҳар бир илмий лойиҳа бюджетига университетнинг инфратузилма харажатларини (overhead) ҳам киритиш (камида 15-20%). Бу университетнинг моддий базасини сақлаб туришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда ОТМларнинг молиявий мустақиллиги фақат "давлат пулининг камайиши" сифатида эмас, балки университетнинг "ўз ресурсларини эркин бошқариши" сифатида талқин қилиниши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (Янги таҳрир). — Тошкент, 2023. — 51-модда.

2. **Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони.** Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиqlаш тўғрисида. № ПФ-5847, 08.10.2019 й.
3. **Абдуллаев, А. М.** Олий таълим муассасалари молиявий мустақиллигининг иқтисодий самарадорлиги / А. М. Абдуллаев. // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар. — 2024. — № 3. — Б. 45–58.
4. **Хамраев, М. С.** Ўзбекистонда олий таълим муассасаларини молиявий қўллаб-қувватлашни мустақамлаш масалалари / М. С. Хамраев. // Инновацион иқтисодиёт. — 2026. — Т. 1, № 6.
5. **Hoshimov, U. K.** Transformation of the higher education system of Uzbekistan: transition to autonomous management and self-financing / U. K. Hoshimov. // Vestnik NUUz. — 2025. — No. 1/2. — P. 112–120.
6. **Kurpayanidi, K. I.** Stimulation of innovative activity in higher school as a factor of financial stability / K. I. Kurpayanidi. // International Journal of Theoretical and Applied Science. — 2024. — Vol. 12, no. 2. — P. 88–95.
7. **Clark V.** Creating Entrepreneurial Universities: Organization Pathways of Transformation. Guildford, UK: Pergamon, 1998.
8. **Salmi, J.** The Challenge of Establishing World-Class Universities / J. Salmi. — Washington, DC: World Bank, 2023.
9. **Абрамов, Р. Н.** Менеджерализм в высшем образовании: институциональные вызовы и финансовые стратегии / Р. Н. Абрамов. — Текст : непосредственный // Вопросы экономики образования. — 2024. — № 2. — С. 15–28.
10. **Беляков, С. А.** Новые модели финансирования вузов в условиях неопределенности / С. А. Беляков. — Москва : Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2023. — 210 с. — ISBN 978-5-85006-452-1. — Текст : непосредственный.
11. **Кузьминов, Я. И.** Университеты в поисках новой финансовой модели : монография / Я. И. Кузьминов, И. Д. Фруммин. — Москва : ВШЭ, 2024. — 340 с. — Текст : непосредственный.
12. **Волков, А. Е.** Трансформация университета: от модели «3.0» к финансовой устойчивости / А. Е. Волков. — Текст : электронный // Университетское управление: практика и анализ. — 2025. — Т. 29, № 1. — URL: <https://umj.ru/archive/2025/1/> (дата обращения: 04.03.2026).
13. <https://www.eua.eu/publications/reports/university-autonomy-in-europe-iv-the-scorecard-2023.html>
14. <https://president.uz/uz/lists/view/4057>.
15. <https://data.worldbank.org>.
16. <https://www.oecd.org/en/data.html>.